IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934
VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИДА ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ, УНИНГ ПЕДАГОГИК, ПСИХОЛОГИК ВА МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИ

Нортожиева Муҳайё Зафар қизи
Халқаро инновацион университети “Педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси
email: nortojiyeva95@mail.ru

Аннотация
Мазкур мақолада педагогик жараёнда ўқитувчи шахси, унинг педагогик маҳорати ва ижодий изланувчанлик хусусиятлари, унинг таълим жараёнига ноанъанавий ёндашувига оид маълумотлар баён этилган.Шунингдек, ўқитувчининг таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаши, илғор педагогик тажрибаларни ўзлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчининг педагогик ҳамкорлигига оид масалалар келтирилган.

Калит сўзлар
Ўқитувчи шахси, педагогик фаолият, педагогик жараён, дарс, инновацион фаолият, касбий маҳорат, ижодкорлик, ўқувчи, бошқариш, самарадорлик, ривожлантириш, тарбиялаш, педагогик тажриба.

Аннотация

В данной статье описывается личность педагога в педагогическом процессе, особенности его педагогического мастерства и творческой любознательности, а также его нетрадиционный подход к образовательному процессу.Также представлены вопросы, связанные с использованием учителем педагогических технологий в системе образования, освоением передового педагогического опыта, педагогическим сотрудничеством учителя и ученика.

Ключевые слова
Личность учителя, педагогическая деятельность, педагогический процесс, урок, инновационная деятельность, профессиональные навыки, творчество, ученик, управление, эффективность, развитие, образование, педагогический опыт.

Инсонни ҳар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодларга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар. Инсонларни маърифатли ва маънавий комил бўлиши – педагогика ва психология фанининг ривожланишида ҳам ўз аксини топмоқда. Шу боисдан жамият ривожи, мамлакатимизда мутахассис кадрларни тайёрлаш механизми бевосита ўқитувчи фаолият ва унинг педагогик маҳоратига узвий боғлиқдир.

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг муваффақияти унинг шакл, усул ва воситаларнинг қанчалик тўғри танлашига боғлиқ. Бунда икки хил ёндашув танловнинг мазмунини белгилаб беради: анъанавий ва ноанъанавий ёндашув. Ўзбекистонда ҳозирги даврда ноанъанавий ёндашув кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда. Бунда янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунида ҳам таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш, илғор педагогик тажрибаларни ўзлаштиришда ҳар бир ўқитувчидан ташаббускорлик, ижодийлик, мустақил фикрлай олиш, ечимларнинг янги, ижодий ёндашувларни тадбиқ этишга кўрсатма беради.

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

Мактабдаги дарс педагогик ижодкорликнинг бошланғич кўриниши ҳисобланади. Дарсда ўқитувчининг асосий эҳтиёжи: узатиш, тушунтириш, ўргатиш амалга оширилади. Ёш авлодга ўз билим ва тажрибаларини узатиш жараёнида ўқитувчи ўз ижодкорлигини намоён қилади. Узлуксиз таълим тизимида дарс ишларида анъанавий методика бўйича кўплаб камчиликлар ҳалигача йўқолгани йўқ. Масалан, дарс ўтиш жараёнида маъносини англамай, ёд олиш элементлари ҳалигача сақланган. Кўпчилик ўқитувчилар ҳозирги замон иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни ёрита бориб, етилиб қолган муаммоларни таҳлил қилишга эътибор беришмайди, балки ўқувчида материалнинг энг муҳим жойларини ёдлаб олишни талаб этадилар. Бундай дарс беришдан ҳоли бўлишлик, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишга янгича сифат ёндашуви керак. Педагогик ҳамкорлик методикасига таяниб ишланса, анча енгил бўлади. Ўқитувчи олдида ўқувчиларни таълимнинг умумий меҳнатига жалб этишдек муҳим вазифа туради.

Педагогик ҳамкорлик олдинги педагогикадан, болаларни ўқишга тортишда ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги меҳнати асосига қурилганлиги билан характерланади. Дарс таълимнинг мазмуни, методи ва шакли каби тушунчалар доирасида чегараланиб қолмайди. Мактабдаги таълим, тарбия ва ривожланишни педагог ва ўқувчиларни ўзаро ҳамжиҳат, ҳамкорликдаги фаолиятлари орқали амалга оширишни назарда тутади. Ўқитувчининг муваффақияти унинг биринчи навбатда, ғоявий, назарий ва касбий тайёргарлигига боғлиқ. Дарсга тайёргарлик шу фан бўйича дарслик, педагогик-психологик ва услубий характердаги китоблар ўқишдан, услубий журналлар, қўшимча адабиётлар, газета ва турли материалларни ўқишдан иборат бўлиши керак. Библиографик карточкалар, бошқа ўқитувчиларнинг конспектлари, режалари, дарс лойиҳалари, турли таҳлиллар ва бошқа манбалар ҳам зарур. Шунингдек, яна турли ўқув фанлари, диафилмлар, диапозитив, техник воситалардан ҳам фойдаланиш муҳимдир. Шуни ҳисобга олиш керакки, барча ўқитувчилар учун бир хилда бўлган таълим воситалари бўлиши мумкин эмас. Унинг турли-туманлиги ўқитувчи фаннинг ўзига хослиги билан, унинг имкониятлари, эҳтиёжи, интеллектуал фаоллиги, янгиликни ҳис этиши, педагогик билимга чанқоқлиги ва бошқалар билан белгиланади. Яхши ўқитувчини доимо мавзуга оид материални шу вақт учун қандай ўтиш керак деган масала қизиқтириб келади (мавзу бир неча бор олдин ўтилган бўлса ҳам).

Ҳар бир дарс ўзида таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларни белгилайди:

- тарбиявий мақсад: ўқувчиларда маълум илмий, ижтимоий-сиёсий, маънавий дунёқарашларни шакллантириш, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик ва бошқа инсоний сифатларни юзага келтиришдан иборат;

- таълимий мақсад; ўқув дастурлари талаблари асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш;

- ривожлантирувчи мақсад эса: ўрганилаётган материалдан энг муҳимларини, зарурини ажратиб олиш, қиёслаш - умумлаштириш, мустақил фикрлай олиш, таълимда қийинчиликларни енга олишга ўргатиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ўқитувчи ҳар бир дарснинг муаллифи ва дарс унинг маҳорати, ижодкорлиги, мотивларига боғлиқ бўлиб, дарс бадиий рангга эга бўлиши зарур. Аввало, дарснинг ижодий мушоҳадаси

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

юзага келади ва у ишланиб, кейинчалик педагогик асар сифатида амалга оширилади. Ўқитувчининг ўқувчилар фаолиятини дарс жараёнида бошқариш маҳорати кўплаб омилларга боғлиқ. Шулардан энг муҳими ўз фанини ўқувчиларга қизиқарли қилиб етказишдан иборат. Ўқувчиларда ўқишга қизиқиш, ҳаваснинг юзага келиши ва ривожланишида моҳир ўқитувчилар қуйидаги асосий ҳолатларга доимо риоя қиладилар:

- билимга қизиқишни ривожлантириш, ўрганилаётган предметга хохиш ва эҳтиёжни тарбиялаш;

- бошқа меҳнат каби ўқув меҳнати ҳам турли-туман бўлса, қизиқарли бўлади. -бир хилдаги маълумотлар ва бир хилдаги таъсир тизими тезда зерикиш уйғотади;

- ўрганилаётган предмет ва айрим мавзуга қизиқиш уйғотиш учун унинг зарурлигини, муҳимлигини мақсадга мувофиқлигини тушунтириш зарур ёки уни англаб етиш керак;

- олдинги ўтилган материаллар билан янги ўрганилаётган материал узвий боғланса, у янада қизиқарлироқ бўлади;

- ўқиш қийин, лекин ўқувчилар кучи етадиган бўлиши зарур;

- ўқувчи иши қанчалик тез текширилиб, баҳоланиб турилса, ишлаш шунчалик қизиқарли бўлиб боради;

- ўқув материалининг ёркинлиги, эмоционаллиги, ўқитувчи ҳис-туйғу билан материални баён этишидаги ўзаро узвийлиги ўқувчиларда шу материалга кучли қизиқиш уйғотади.

Бугунги кунда педагогик технологиялар, шунингдек, таълим муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ўқитувчи ҳаракатларининг изчил тизими, “олдиндан ишлаб чиқилган педагогик жараённи амалиётда тизимли ва изчил амалга ошириш”дир. Шундай қилиб, давр талабига кўра, педагогик жараён муаммосини ҳал қилишда ижодий ва ижодий ёндашишга олиб келадиган ижодий таълим технологиялари каби янги, инновацион услубий ечимларга ўтиш зарурати пайдо бўлди, бунда педагогик жараённинг қизиқишлари ва қадр-қиммати ўз ифодасини топди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириш учун дарсларнинг мазмун ва сифатига эътибор беради. Бунинг учун болаларни фикрлашга, уларни фаоллаштиришга ҳаракат қилади. Ўқувчини тайёр билим қабул қилувчи эмас, балки синфда ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш учун мунозара қилишга йўллайди. Ўқувчиларда ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришда интерфаол ўқитиш методларидан самарали фойдалашиш ўқитувчининг касбий маҳоратига, унинг педагогик-психологик билимдонлигига боғлиқ.

Ўқитувчи учун педагогик маҳоратни эгаллаш нафақат ўз предметининг ҳар томонлама билиши билан, шунингдек, одамларни сиёсат, фан, санъат, техника, спорт соҳасида нималар қизиқтиришни ҳам яхши билмоғи зарур. Ўқитувчилар ўқувчилар хотираси, диққати, иродаси, чидамлилиги каби сифатларнинг ривожланиш даражасини доимо синаб туради. Бунда нималарга риоя қилиш керак? Ўқитувчининг бош вазифаси - ўқувчиларни ҳамма томонлама яхши билиши ва уни тушунишга интилишдан иборат бўлмоғи зарур.

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

Ўқитувчининг дарсни ташкил этишдаги педагогик - психологик маҳорати ва ёндошуви бевосита унинг педагогик муомала маданиятига ҳам бевосита боғлиқ, чунки педагогик муомала педагогик маҳоратнинг шаклланишида энг муҳим воситалардан бири бўлиб, у педагогик фаолиятнинг асосий қуроли ҳисобланади. Қатор педагог ва психолог олимлар бу соҳада олиб борган илмий тадқиқотлари натижаси ўлароқ муомала ўқитувчи фаолиятида катта аҳамият касб этишини исботлаганлар.

Педагогик мулоқот ўқитувчи ва ўқувчиларда дарс пайти ва дарсдан ташқари вақтларда:

- қулай психологик муҳитни яратиш воситаси сифатида;

- ўқитувчи билан ўқувчиларнинг бевосита муомаласини педагогик таъсир кўрсатишнинг ўзига хос усули сифатида ҳам қўллашни тақозо этади.

Юқоридаги назарий билим ва амалий тажрибаларга таянган ҳолда шуни айтиш жоизки ҳар бир ўқитувчи дарсни муваффақиятли олиб бориши, педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчи дарсда нималарга эришди, нималарга эриша олмади, муваффақиятсизликнинг сабаби нима ва уни бартараф қилиш йўллари қандай, педагогик маҳоратни янада такомиллаштириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини таҳлил қилиб ўрганиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А, Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар” – Т.: 2008. – 278 б
2. Камолдинов М., Вахобжонов Б. Инновацион педагогик технология асослари, саволлар, жавоблар. – Т.: Талқин, 2010. – 126.
3. Мирзаева Ф. О. Развитие межличностных взаимоотношений у будущих учителей в условиях современности //Наука и образование сегодня. – 2018. – №. 2 (25). – С. 57-58.
4. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологиянинг татбиқий асослари: Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2006. – 264 б

WORDLY KNOWLEDGE